
ФАРҒОНА ШАҲРИДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИГА ЯНГИ УЙЛАР ТОПШИРИЛДИ

Бугун Фарғона шаҳри Тарона кўчасида бунёд этилган кўп қаватли уйлاردан Миллий гвардия ходимларига хонадонлар калитларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Миллий гвардия вилоят бўйича бошқарма бошлиғи Шавкат Акбаров, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Жўраев иштирок этдилар.

Тинчлик ва тотувлик тимсоли Наврўз байрами Фарғонада ҳам кўтаринки руҳда, юқори кайфиятда, хайру саховат тадбирлари билан ўтаётганини қайд этган вилоят раҳбари, байрам билан йиғилганларни қутлади. Президентимиз ташаббуси билан юртимизда ҳар жабҳада амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти билан халқимиз манфаатларига, инсон қадрини улуғлашга, осойишталигимизни муносиб ҳимоя қилишга хизмат қилаётганлигига эътибор қаратди. Хусусан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш ва улар учун қулай шароитлар яратиш борасида ҳам катта ишлар олиб борилаётганлиги қайд этилиб, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг ҳам муносиб ўрни борлиги алоҳида эътироф этилди.

Ушбу хонадонлар Миллий гвардия ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун ҳақиқий кичик Ватан бўлишлигига тилак билдирилди.

2 та 9 қаватли турар-жой биноларида жойлашган 20 та хонадон калитлари ҳарбий хизматчиларга тантанали тарзда топширилди.

Меҳмонлар хонадонлар эгалари билан бир пиёла чой устида дилдан суҳбат қуриб, янги уйлардаги шароитлар билан танишдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-03-22 14:44:45